

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ЎРТАСИДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎЗАРО Рағбатлантириш
ва ҳимоя қилиш тўғрисида
битим**

Корея Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда “Аҳдлашувчи Томонлар” деб аталувчилар),

тengлик ва ўзаро фойда тамойилларига асосланган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги инвестицияларини кўпайтириш учун қулай шароитларни яратиш истагида,

инвестицияларни мазкур Битим асосида ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш инвестициялар оқимига ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириши илгари суришга, алоҳида бизнес ташаббусларини рағбатлантиришга кўмаклашишини ва иккала давлатда фаровонликни оширишини тан олган ҳолда,

ушбу мақсадларга соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳалқаро эътироф этилган меҳнат ҳуқуқларини рағбатлантиришга мувофиқ равишда эришиш истагида, барқарор ривожланишни жадаллаштириш йўлида қонуний ҳукумат мақсадларига эришишни таъминлаш заруратини инобатга олиб,

куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Таърифлар

Мазкур Битим мақсадларида:

(а) “инвестиция” бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторининг эгалигида бўлган ёки бевосита ёхуд

бильосита назорати остида бўлган, бунда инвестиция дастлабки Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилган бўлиши ва инвестиция хусусиятларига эга бўлиши шарти билан, ҳар қандай турдаги активни англатади ва қуидагиларни ўз ичига олади, бироқ бу билан чекланиб қолмайди:

(i) корхона (хусусий ёки давлат эгалигида ёхуд назорати остида бўлишидан қатъи назар, қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томоннинг кўлланиладиган хукуқига мувофиқ тузилган ёки ташкил этилган юридик шахс ёки ҳар қандай бошқа тузилма бўлиб, корпорация, трест, ширкат, хусусий корхона, филиал, қўшма корхона, ассоциация ёки ташкилотни ўз ичига олади);

(ii) улушлар, қимматли қофозлар ва корхонада улушли иштирокнинг бошқа шакллари;

(iii) облигациялар, қарз мажбуриятлари, бошқа қарз инструментлари ва кредитлар;

(iv) “тайёр ҳолда топшириш” шартларида пудрат, қурилиш, бошқарув, концессия, даромадларни тақсимлаш ва бошқа шу каби шартномалар;

(v) интеллектуал мулк хукуqlари, шу жумладан, муаллифлик хукуqlари, товар белгиси, патентлар, саноат намуналари, техник жараёнлар, ноу-хау, тижорат сирлари ва фирма номлари ҳамда ишchanлик нуфузи (гудвилл);

(vi) лицензиялар, ваколатлар, рухсатномалар ва ички қонунчиликка мувофиқ тақдим этиладиган бошқа шу каби хукуqlар;¹⁾ ²⁾

(vii) реинвестиция қилинган даромадлар; ва

1) Лицензия, ваколат, рухсатнома ёки шу каби инструментнинг муайян турида (шу жумладан, бундай инструмент хусусиятига эга бўлган концессия) инвестиция хусусиятларининг мавжудлиги уларнинг эгаси Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ эгалик қилаётган хукуqlарнинг тавсифи ва ҳажми каби омилларга боғлиқ. Инвестициялар хусусиятларига эга бўлмаган лицензиялар, ваколатлар, рухсатномалар ва шунга ўхша инструментлар ички қонунчилик томонидан ҳимояланадиган ҳеч қандай хукуqlарни назарда тутмайди. Янада аниқлик киритиш учун, лицензия, ваколатлар, рухсатномалар ёки шунга ўхша инструментлар билан боғлиқ ҳар қандай актив инвестиция тавсифига эга эканлиги ёки эга эмаслиги тўғрисидаги масалаларга юқорида баён этилганлар дахл қилмайди.

2) “Инвестиция” атамаси суд ёки маъмурий тартибда чиқарилган қарор ёки хукмни ўз ичига олмайди.

(viii) бошқа моддий ёки номоддий, кўчар ёки кўчмас мулк ҳамда шу билан боғлиқ лизинг, ипотека, закалат ва гаров каби мулкий ҳукуқлар.

Мазкур Битим мақсадларида фақатгина товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдан келиб чиқадиган тўлов бўйича талаб инвестиция ҳисобланмайди, инвестиция хусусиятларига эга бўлган кредитлар бундан мустасно. Инвестиция сифатида тавсифланиши учун активлар сармоя ёки бошқа ресурслар ажратиш мажбурияти, фойда ёки даромад олишни кутиш, таваккалчилик қилиш каби инвестиция хусусиятларини ўзида акс эттириши лозим.

(b) “инвестор” бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон худудига инвестиция киритган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсини англатади:

(i) “жисмоний шахс” дастлабки Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ унинг фуқароси бўлган жисмоний шахс, бироқ шахс икки фуқароликка эга бўлганда, у қайси давлатнинг устун ва самарали фуқаролигига эга бўлса, фақатгина шу давлатнинг фуқароси ҳисобланади;

(ii) “юридик шахс” дастлабки Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонун ва қоидаларига мувофиқ тузилган ёки таъсис этилган ҳар қандай юридик шахсни, шу жумладан, компания, давлат муассасаси, орган, жамғарма, ширкат, фирма, муассаса, ташкилот, корпорация ёки ассоциация кабиларни англатади;

(c) “худуд” куйидагиларни англатади:

(i) Корея Республикасига нисбатан худуд, шу жумладан, қуруқликдаги ер майдони, денгиз худудлари, шу жумладан, Корея Республикаси улардаги табиий ресурсларни тадқиқ этиш ва эксплуатация қилиш мақсадларида халқаро ҳуқуққа мувофиқ суврен ҳукуқлар ва юрисдикцияга эга бўлган худудий сувлар чегарасига туташ денгиз туби ва ер ости худудини англатади;

(ii) Ўзбекистон Республикасига нисбатан, худуд, шу жумладан, қуруқлиқдаги худуд, ички сувлар, худудий денгиз ва улар устидаги самовий худуд, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ ҳамда ўз қонун ва қоидаларига мувофиқ денгиз туби, ер ости ва денгиз усти сув ресурсларини тадқиқ этиш ва эксплуатация қилиш учун суверен ҳуқуқларга эга бўлган худудий денгиздан ташқаридаги ҳар қандай худуд.

(d) “эркин фойдаланиладиган валюта” Халқаро валюта жамғармасининг Битим Моддалари ва унга ҳар қандай тузатишларга мувофиқ Халқаро валюта жамғармаси эркин фойдаланиладиган валюта сифатида вақти-вақти билан белгилайдиган ҳар қандай валюта;

(e) “молиявий хизмат” молиявий хусусиятдаги ҳар қандай хизматни англатади. Молиявий хизматлар барча сугурта ва суғурта билан боғлиқ хизматларни ҳамда барча банк ва бошқа молиявий хизматларни (суғуртадан ташқари), шунингдек, молиявий хусусият эга хизматга тегишли ёки ёрдамчи хизматларни ўз ичига олади;

(f) “Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонун ва қоидалари” ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг худудида юридик мажбурий хусусиятга эга бўлган қонунлар, низомлар, қоидалар ва қарорларни англатади.

2-модда

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз худудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари учун инвестицияларни амалга оширишни рағбатлантиради ва бунга қулай шароитлар яратади ҳамда ушбу инвестицияларга ўз давлатининг қонун ва қоидаларига мувофиқ рухсат беради.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг

инвестицияларига бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ҳар доим адолатли ва тенг ҳуқуқли режим тақдим этилади ҳамда тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик таъминланади.

3. Мазкур Битимнинг бошқа қоидаси ёки алоҳида халқаро шартнома бузилишининг аниқланганлиги мазкур модданинг бузилганлигини англатмайди.

4. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларини бошқариш, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишга қарши асоссиз ёки камситувчи чоралар кўрмаслиги, шунингдек, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларига маҳаллий улуш, технологияларнинг трансфери ёки экспорт кўрсаткичлари бўйича талабларга доир асоссиз ва камситувчи чораларни қўлламаслиги лозим.

3-модда

Инвестициялар режими

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига уларнинг инвестицияларини бошқариш, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишга нисбатан ўз инвесторларига (кейинги ўринларда “миллий режим”) ёки бошқа ҳар қандай учинчи давлат инвесторларига (кейинги ўринларда “энг қулай режим”) шу каби вазиятларда тақдим этадиган режимлардан қай бири қулай бўлса, ундан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этиши лозим.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида унинг давлати қонун

ва қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари амалга оширган инвестицияларга мазкур инвестицияларни бошқариш, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишга нисбатан ўз инвесторларининг инвестицияларига (миллий режим) ёки бошқа ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига (энг қулай режим) шу каби вазиятларда тақдим этадиган режимлардан қай бири қулай бўлса, ундан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этиши лозим.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган миллий режим стандарти субмиллий ҳукуматга нисбатан у таркибиға кирадиган Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига ва ушбу инвесторларнинг инвестицияларига шу каби вазиятларда бундай субмиллий ҳукумат томонидан тақдим этиладиган энг қулай режимдан кам бўлмаган режимни англаради.

4. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган миллий режим ва энг қулай режим қуидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- (а) давлат харидлари; ёки
- (б) Аҳдлашувчи Томон тақдим этадиган субсидиялар ва грантлар, шу жумладан, давлат заёмлари, кафолатлари ва сугурта.

5. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган энг қулай режим Аҳдлашувчи Томоннинг божхона иттифоқи ёки иқтисодий иттифоқ, умумий бозор ёки эркин савдо худуди ёхуд ҳар қандай шу каби иқтисодий интеграцияларга жорий ёки келгусидаги аъзолиги ёхуд уларга қўшилиши муносабати билан ёки тўлалигича ёхуд асосан солиқка тортишга доир ҳар қандай бошқа халқаро шартномаларга мувофиқ учинчи давлатлар инвесторларига тақдим этадиган имтиёз ва преференцияларга тааллуқли эмас.

6. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган энг қулай режим мазкур Битимнинг 11-моддасига (Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этиш) нисбатан қўлланилмайди.

7. Мазкур модданинг қоидаларидан қатъи назар, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз худудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг ер, кўчмас мулк ва мулкий хукуқларни қўлга киритишига нисбатан ўз давлатининг қонун ва қоидаларини қўллаши мумкин.

4-модда

Зарарларни қоплаш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларига уларнинг инвестициялари бошқа Аҳдлашувчи Томон худудидаги уруш ёки бошқа қуролли тўқнашув, мамлакат даражасидаги фавқулодда ҳолат, исён, кўзғолон, ғалаён ва бошқа шу каби вазиятлар оқибатида зарар кўрган тақдирда, иккинчи Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторларига ёки ҳар қандай учинчи давлатларнинг инвесторларига реституция, зарарни ундириш, компенсация ёки ҳал этишнинг бошқа шаклларига нисбатан тақдим этадиган режимдан кам бўлмаган режимни тақдим этади.

2. Мазкур модданинг 1-бандига дахл қилмаган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Томон инвесторлари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати худудида юқоридаги бандда назарда тутилган вазиятларда:

(а) уларнинг мулки иккинчи Аҳдлашувчи Томон қуролли кучлари ёки органлари томонидан реквизиция қилиниши натижасида зарар кўрса;

ёки

(b) уларнинг мулки иккинчи Аҳдлашувчи Томон қуролли кучлари ёки органлари томонидан ҳарбий ҳаракатлар сабабли содир бўлмаган ёки вазият тақозоси туфайли талаб этилмаган ҳолда йўқ қилиниши натижасида зарар кўрса,

улар бундай зарарлар учун реституция, компенсация ёки тегишинча иккаласи билан ҳам таъминланади. Ҳар қандай компенсация 5-моддага (Экспроприация ва компенсация) мувофиқ, *mutatis mutandis*, тезкор, мутаносиб ва самарали бўлиши лозим.

5-модда

Экспроприация ва компенсация³⁾

1. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон инвестицияларни бевосита ёки билвосита экспроприацияга ёхуд национализацияга тенг чоралар (кейинги ўринларда “экспроприация”) кўриш орқали экспроприация ёки национализация қилишга ҳақли эмас, қуйидаги ҳолат бундан мустасно:

- (a) жамоат мақсадлари учун;
- (b) камситилмайдиган тартибда;
- (c) компенсацияни тезкор, мутаносиб ва самарали тарзда тўлаш билан; ва
- (d) лозим даражада қонунда белгиланган тартибда ва 2-моддага мувофиқ.

2. 1(c)-бандда назарда тутилган компенсация:

- (a) кечиктирилмасдан тўланиши;
- (b) экспроприация қилинган инвестиция қийматининг бевосита экспроприация қилинишидан олдин (экспроприация санаси) белгиланган

3) 5-модда (Экспроприация ва компенсация) иловаларга мувофиқ талқин қилинади.

адолатли бозор қийматига teng бўлиши;

(c) экспроприация қилиниши кутилаётганлиги ҳақида олдиндан маълум бўлганлиги сабабли юзага келган ҳар қандай қийматдаги ўзгариш акс эттирилмаслиги; ва

(d) тўлиқ амалга оширилиши ва эркин ўтказилиши мумкин бўлиши лозим.

3. Агар адолатли бозор қиймати эркин фойдаланиладиган валютада ифодаланадиган бўлса, 1(с)-бандда назарда тутилган компенсация экспроприация санасида белгиланган ҳамда ушбу валютанинг тижорий асосланган ставкаси бўйича экспроприация санасидан тўлов санасига қадар фоиз қўшиб ҳисобланадиган адолатли бозор қийматидан кам бўлмаслиги лозим.

4. Агар адолатли бозор қиймати эркин фойдаланилмайдиган валютада ифодаланган бўлса, 1(с)-бандда назарда тутилган, тўлов санасида амал қиласидиган бозор айирбошлиш курси бўйича тўлов валютасига алмаштирилган компенсация қуидагиларни қўшиб ҳисоблагандан кам бўлмаслиги лозим:

(a) экспроприация санасидаги ушбу санада амалда бўлган бозор айирбошлиш курси бўйича эркин фойдаланиладиган валютага алмаштирилган адолатли бозор қиймати,

(b) эркин фойдаланиладиган валютанинг тижорий асосланган ставкаси бўйича экспроприация санасидан тўлов санасига қадар ҳисобланадиган фоиз.

5. Экспроприация таъсирида қолган бир Ахдлашувчи Томон инвесторлари бошқа Ахдлашувчи Томоннинг суди ёки бошқа мустақил органи томонидан ўз ишларининг тезкор кўриб чиқилиши ва инвестицияларининг мазкур моддада назарда тутилган принципларга

мувофиқ баҳоланиши ҳукуқига эга.

6. Мазкур модда Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдога доир аспектлари тўғрисидаги Битимга (“TRIPS Битими”) мувофиқ интеллектуал мулк ҳуқуқларига нисбатан мажбурий лицензиялар беришга қўлланилмайди. ⁴⁾

6-модда

Пул ўтказмалари

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторига инвестициялар билан боғлиқ барча тўловларни ўз худуди бўйлаб ва ундан ташқарига эркин ўтказилишини кафолатлайди. Бундай ўтказмалар, хусусан, қуидагиларни ўз ичига олади, бироқ бу билан чекланиб қолмайди:

- (а) бирламчи сармоя ва инвестиция ҳажмини сақлаб қолиш ёки ошириш учун қўшимча маблағлар;
- (б) инвестициялардан олинган маблағлар, шу жумладан, бироқ бу билан чекланиб қолмасдан, фойда, фоизлар, капитал қийматининг ўсишидан олинган даромадлар, дивиденdlар, роялти ва барча турдаги йигимлар;
- (с) шартнома, шу жумладан, кредит шартномаси бўйича тўловлар;
- (д) инвестициянинг тўлиқ ёки бирон бир қисмини сотишдан ёхуд ликвидация қилишдан олинган тушумлар;
- (е) 4-моддага (Заарларни қоплаш) ва 5-моддага (Экспроприация ва компенсация) мувофиқ амалга оширилган тўловлар;
- (ф) мазкур Битим доирасида низоларни ҳал этиш юзасидан вужудга келган тўловлар; ва

4) Мазкур банд Ўзбекистон Республикаси Халқаро савдо ташкилотига қўшилганидан сўнг қўлланилади.

(g) инвестициялар билан боғлиқ ҳолда чет элдан жалб этилган ходимларнинг иш ҳақлари ва бошқа даромадлари.

2. Мазкур Битим доирасидаги барча пул ўтказмалари ўтказиш санасида амалда бўлган бозор айирбошлиш курси бўйича эркин фойдаланиладиган валютада ҳар қандай турдаги асоссиз чекловларсиз ёки кечиктиришларсиз амалга оширилиши лозим.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Томон қуидагилар билан боғлиқ ўз давлати қонунлари ва чораларини одилона, камситмаган ҳолда ва вижданан қўллаш орқали пул ўтказмаларини кечиктириши ёхуд тўхтатиши мумкин:

(а) банкротлик, тўловга лаёқатсизлик ёки кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

(б) қимматли қофозларни муомалага чиқариш, уларнинг савдоси ёки улар билан шуғулланиш;

(с) жиноят ёки жавобгарликка тортиладиган қилмишлар;

(д) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки молиявий назорат органларига кўмаклашиш учун зарар бўлганда молиявий ҳисобот ёхуд пул ўтказмалари ҳисобини юритиш; ёки

(е) суд ёки маъмурий иш юритиш жараёнларида, шу жумладан, мажбурий солиқ ва йигимлар ундируви билан боғлиқ суд буйруқлари ва қарорларига риоя этилишини таъминлаш.

4. Бир Аҳдлашувчи Томон қуидаги ҳолларда мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари талабларига зид бўлган чораларни қабул қилиши ёки қўллаб туриши мумкин:

(а) тўлов баланси жиддий ёмонлашганда ёки ташқи молиявий қийинчиликларга дуч келинганда ёхуд уларнинг пайдо бўлиши хавфи туғилганда; ёки

(b) истисно ҳолатларда, сармоянинг харакатланиши макроиқтисодий бошқарув, хусусан, пул-кредит, валюта айирбошлиш курси ва сармоя ҳисобини бошқариш сиёсати учун жиддий муаммоларни келтириб чиқарганда ёки келтириб чиқариш хавфи туғилганда.

5. Мазкур модданинг 4-бандида назарда тутилган чоралар:

- (a) бир йилдан ортиқ қўлланилмаслиги лозим, бироқ, фавқулодда истисно ҳолатлар юзага келганда Аҳдлашувчи Томон бундай чораларни узайтириш истагида бўлса, у ҳар қандай таклиф этилаётган узайтириш масаласини бошқа Аҳдлашувчи Томон билан олдиндан мувофиқлаштириши лозим;
- (b) Халқаро валюта жамғармасининг Битим Моддаларига мувофиқ бўлиши лозим;
- (c) камситувчи бўлмаслиги лозим;
- (d) мазкур модданинг 4-бандида назарда тутилган вазиятларни тартибга солиш учун зарур бўлганидан четга чиқмаслиги лозим;
- (e) вақтинчалик аҳамият касб этиши ва вазият тақозоси билан имкон қадар тез бартараф этилиши лозим;
- (f) мусодара этишни кўзламаслиги лозим;
- (g) бошқа Аҳдлашувчи Томонга ўз вақтида билдирилиши лозим;
- (h) икки ёки ундан ортиқ айирбошлиш курси амалиётини шакллантирмаслиги лозим;
- (i) жорий операциялар бўйича тўловлар ёки пул ўтказмаларини чекламаслиги лозим, бундай чораларни қўллаш Халқаро валюта жамғармасининг Битим Моддаларида назарда тутилган процедураларга мувофиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно; ва
- (j) тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари билан боғлиқ тўловлар ва пул ўтказмаларини чекламаслиги лозим.

7-модда

Субрография

1. Агар бир Аҳдлашувчи Томон ёки унинг тайинланган органи ушбу Аҳдлашувчи Томон инвесторининг инвестицияларига нисбатан берилган кафиллик, кафолат ёки суғурта шартномаси асосида бошқа Аҳдлашувчи Томон худудида тўловларни амалга оширса, бошқа Аҳдлашувчи Томон қуидагиларни тан олади:

(а) бундай инвесторнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва даъво талабининг дастлабки Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг тайинланган органига ўтказилиши; ва

(б) дастлабки Аҳдлашувчи Томон ёки унинг тайинланган органи субрография асосида ҳар қандай шу каби ҳуқуқ ва даъво талабидан, мазкур ҳуқуқ ва даъво талабининг олдинги эгаси уларни қай даражада амалга ошириши мумкин бўлган бўлса, худди шу даражада фойдаланиш ҳуқуки.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган инвестор субрография доирасида вужудга келадиган бундай ҳуқуқ ва даъво талабларидан фойдаланишдан маҳрум бўлади.

8-модда

Шаффоффлик

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг амалга оширилишига дахл қилиши мумкин бўлган ўз қонун ва қоидалари, тартиб-таомиллари, маъмурий қарорлари ва умумий қўлланилишдаги суд қарорларини ҳамда халқаро шартномаларини дарҳол эълон қилиши ёки ўзгача тарзда оммага маълум қилиши лозим. Агар Аҳдлашувчи Томон

ўзининг қонунлари ёки қоидаларида ёхуд мазкур бандда белгиланган ҳар қандай бошқа ҳужжатларда акс эттирилмаган, бироқ мазкур Битимнинг амалга оширилишига дахл қилиши мумкин бўлган сиёsatни жорий этса, у ҳолда ушбу Аҳдлашувчи Томон бундай сиёsatни дарҳол эълон қилиши ёки ўзгача тарзда оммага маълум қилиши лозим.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган масалалар бўйича маҳсус саволларга дарҳол жавоб бериши ва сўровга кўра бошқа Аҳдлашувчи Томонга маълумотларни тақдим этиши лозим.

3. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида бир Аҳдлашувчи Томонга бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторидан ёки унинг инвестициялари бўйича бундай инвестицияларга тааллукли жорий маълумотларни ахборот ёки статистик мақсадларда тақдим этишини талаб қилишга тўсқинлик қилмайди. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида Аҳдлашувчи Томондан қуидагиларни тақдим этишини ёки улардан фойдаланишга рухсат беришини талаб қилмайди:

(a) муайян инвесторлар ёки инвестицияларнинг алоҳида мижозларига тегишли молиявий масалалар ва ҳисоб рақамларга оид маълумотлар;

(b) ҳар қандай ҳимоя қилинадиган ёки шахсий маълумотлар, шу жумладан, ошкора этилиши хуқуқни муҳофаза қилишга тўсқинлик қилиши ёки маҳфийликни ҳимоя қилишга оид қонун ва қоидаларига зид бўлиши ёхуд муайян корхона ёки шахснинг қонуний тижорат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган муайян инвесторлар ва инвестицияларга тегишли маълумотлар.

9-модда

Ходимларнинг кириши ва вақтинча бўлиб туриши

Бир Аҳдлашувчи Томон чет эл фуқароларининг кириши ва вақтинча бўлиб туришига доир ўз қонун ва қоидаларига мувофиқ, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторлари бўлган жисмоний шахсларга ва ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари тарафидан ёлланган ходимларга ўз худудига киришга ва инвестициялар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш мақсадида унда бўлиб туришга рухсат беради.

10-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш

1. Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш юзасидан келиб чиқадиган низолар имкон қадар маслаҳатлашувлар ёки дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши лозим.
2. Агар ҳар қандай низо уни ҳал этиш тўғрисидаги сўров санасидан бошлаб бир юз саксон (180) кун ичида ҳал этилмаса, ушбу низо Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг сўровига кўра, мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ «ad hoc» арбитраж трибуналига юборилади.
3. Ушбу «ad hoc» арбитраж трибунали ҳар бир алоҳида иш бўйича қўйидаги тартибда тузилади: арбитраж тартибида низони ҳал қилиш тўғрисидаги сўров қабул қилинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида ҳар бир Аҳдлашувчи Томон «ad hoc» арбитраж трибуналининг биттадан аъзосини тайинлайди. Ушбу икки аъзо Аҳдлашувчи Томонларнинг розилиги билан «ad hoc» арбитраж трибуналининг раиси

этиб тайинланадиган учинчи давлатнинг фуқаросини танлайдилар. Раис бошқа икки аъзо тайинланган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичидаги тайинланиши лозим.

4. Агар зарурий тайинловлар мазкур модданинг З-бандида белгиланган муддатларда амалга оширилмаган бўлса, Аҳдлашувчи Томонлардан бири бундай тайинловларни амалга оширишни сўраб, Халқаро суд Президентига мурожаат қилиши мумкин. Агар Халқаро суд Президенти Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга қўра ушбу вазифани бажара олмаса, Халқаро суд Вице-президентига тайинловларни амалга ошириш таклиф этилади. Агар Вице-президент ҳам Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга қўра ушбу вазифани бажара олмаса, унда тайинловларни амалга ошириш Аҳдлашувчи Томон давлатларининг фуқароси бўлмаган ёки ушбу вазифани бажариш учун ҳеч қандай тўсиққа эга бўлмаган Халқаро суднинг кейинги катта лавозимдаги аъзосига таклиф этилади.

5. «Ad hoc» арбитраж трибунали ўз қарорини кўпчилик овоз билан қабул қиласди. Бундай қарор Аҳдлашувчи Томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

6. «Ad hoc» арбитраж трибунали ўз тартиб-таомилларини ўзи белгилайди.

7. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон арбитраж жараёнларида ўз арбитрининг ва ўз вакилларининг иштироки билан боғлиқ харажатларини мустақил равишда қоплайди. Раиснинг харажатлари ва бошқа ҳар қандай харажатлар Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан тенг қисмларда қопланади. Бироқ, «ad hoc» арбитраж трибунали ўз қарорида

Аҳдлашувчи Томонлардан бири харажатларнинг кўпроқ қисмини қоплаши лозимлигини кўрсатиши мумкин.

11-модда

Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этиш

1. Мазкур модда бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги дастлабки Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида юзага келадиган ушбу инвесторнинг инвестициясига доир низоларга, шу жумладан, инвестор ёки унинг инвестициясига йўқотиш ёхуд зарап келтиришга сабаб бўладиган дастлабки Аҳдлашувчи Томоннинг мазкур Битим доирасидаги мажбуриятларининг тахминий бузилишига тааллуқли низоларга нисбатан қўлланилади. Мазкур модда низолашаётган инвестор инвестиция киритилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг фуқаролигига эга бўлган ҳолатларга нисбатан қўлланилмайди.

2. Инвестор ва ҳудудида инвестиция амалга ошириладиган Аҳдлашувчи Томон низони маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан, вижданан, шу билан бирга, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг ички ҳукукий воситалари ёрдамида ҳал этишга интиладилар. Бундай низо тўғрисида инвестор Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Агар низо ёзма талабнома олинган кундан бошлаб бир юз саксон (180) кун ичida маслаҳатлашувлар, музокаралар ва/ёки ички ҳукукий воситалар орқали ҳал этилмаса, инвестор низони мазкур моддага мувофиқ қуидагилар доирасида ҳал этиш учун арбитражга топширишни танлаши мумкин:

(а) Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик

шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенция (“ICSID Конвенцияси”), башарти ICSID Конвенциясини қўллаш мумкин бўлса;

(b) Инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг қўшимча воситалари тўғрисидаги Регламент (“ICSID қўшимча воситалари тўғрисидаги Регламент”), башарти ICSID қўшимча воситалари тўғрисидаги Регламентни қўллаш мумкин бўлса;

(c) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо хуқуки бўйича комиссияси арбитраж регламенти (“UNCITRAL арбитраж регламенти”)⁵⁾; ёки

(d) агар иккала низолашувчи томон ўртасида келишилган бўлса, ҳар қандай бошқа арбитраж институти ёки арбитраж қоидалари.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу билан мазкур Битимда назарда тутилган тартибда низонинг арбитражга берилишига розилик билдиради. Мазкур моддага мувофиқ розилик ва даъвонинг арбитражга берилиши қўйидагиларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

(a) низолашувчи томонларнинг ёзма розилигига нисбатан ICSID Конвенциясининг II боби (Марказ юрисдикцияси) ва ICSID қўшимча воситалари тўғрисидаги Регламент; ва

(b) “ёзма келишув”га нисбатан Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Конвенциянинг II моддаси (“Нью-Йорк конвенцияси”).

4. Инвестор низони мазкур модданинг 2-бандида назарда тутилган

5) Агар Аҳдлашувчи Томонлар бошқа келишувга эришмаган бўлса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо хуқуки бўйича шаффофликни таъминлаш Қоидалари 11-моддасининг 2(с) бандига мувофиқ қўзғатилган, шартномалар асосидаги (БМТнинг A/CN.9/783 хужжати) (“ЮНСИТРАЛ шаффофликни таъминлаш Қоидалари”) инвесторлар ва давлатлар ўртасидаги арбитраж муҳокамаларида қўлланилмайди. Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосига биноан, Аҳдлашувчи Томонлар 11-модданинг 2(с) бандига мувофиқ қўзғатилган арбитраж муҳокамаларида ЮНСИТРАЛ шаффофликни таъминлаш Қоидаларини келгусида қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

арбитраж механизмларидан бирига топширса, ушбу танлов якуний ҳисобланиб, бунда бошқа механизмлар қўлланилмайди.

5. Низолашувчи томон ҳисобланган Аҳдлашувчи Томон низони арбитражга топшириш нияти тўғрисидаги хабарномани олган санадан бошлаб тўқсон (90) кундан сўнг низо арбитражга топширилиши мумкин. Топшириш нияти тўғрисидаги хабарномада қуидагилар кўрсатилади:

(а) даъвогарнинг исми ва манзили, башарти даъво корхона номидан берилаётган бўлса, корхонанинг номи, манзили ва рўйхатга олинган жойи;

(б) ҳар бир даъвога нисбатан мазкур Битимнинг бузилган деб ҳисобланган қоидалари ва бошқа ҳар қандай тегишли қоидалар;

(с) ҳар бир даъво бўйича ҳуқуқий ва фактга оид асослар; ва

(д) сўралаётган чора, шу жумладан, даъво қилинган зарарнинг тахминий суммаси.

6. Низога сабаб бўлган ҳодисалар тўғрисида инвестор илк маротаба билган ёки билиши лозим бўлган санадан бошлаб уч (3) йилдан ошмаган муддат ичida низо арбитражга топширилади.

7. Мазкур модданинг 2-банди иккинчи жумласи қоидалари 16-модданинг (Молиявий хизматларга оид истиснолар) предмети доирасига тегишли бўлган Аҳдлашувчи Томон чораларига нисбатан тадбиқ этилмайди. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ арбитражга даъво киритганда, жавобгар 16-моддани ҳимоя сифатида далил қилиб келтирса, қуидаги қоидалар қўлланилади:

(а) жавобгар мазкур моддага мувофиқ арбитражга даъво киритилган санадан бошлаб бир юз йигирма (120) кун ичida икки Аҳдлашувчи Томон тарафидан ташкил этилган «ad hoc» Қўшма

кўмитага⁶⁾ 16-модда қанчалик ва қай даражада асосли ҳимоя эканлиги масаласи юзасидан биргаликда аниқлик киритиш тўғрисида ёзма равища талабнома юборади. Жавобгар ушбу талабноманинг нусхасини дархол трибуналга, башарти у тузилган бўлса, тақдим этиши лозим. Даъвога нисбатан арбитраж муҳокамаси фақатгина (d)-кичик бандда белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин;

(b) «ad hoc» Кўшма қўмита (a)-кичик бандга мувофиқ вижданан аниқлик киритишга интилади. Ҳар қандай шу каби аниқлик киритиш натижаси дархол низолашувчи томонларга ва трибуналга, башарти у тузилган бўлса, юборилади. Аниқлик киритиш натижаси трибунал учун мажбурий ҳисобланади;

(c) агар «ad hoc» Кўшма қўмита жавобгардан (a)-кичик бандга мувофиқ аниқлик киритиш тўғрисидаги ёзма талабномани олган санадан бошлаб тўқсон (90) кун ичида мазкур бандда белгиланган тартибда аниқлик киритмаса, «ad hoc» Кўшма қўмита томонидан ҳал қилинмаган масала трибунал томонидан ҳал қилинади;

(d) (a)-кичик бандда назарда тутилган арбитраж «ad hoc» Кўшма қўмита томонидан аниқлик киритиш даврида тўхтатиб турилади ва қўйидаги ҳолларда даъвога нисбатан ўз ишини давом эттириши мумкин:

(i) низолашувчи томонлар ва трибунал, башарти у тузилган бўлса, «ad hoc» Кўшма қўмитанинг аниқлик киритиш натижасини олган санадан бошлаб ўн (10) кундан сўнг; ёки

(ii) (c)-кичик бандида назарда тутилган «ad hoc» Кўшма қўмитага ажратилган тўқсон (90) кунлик муддат тугаганидан бошлаб ўн (10) кундан сўнг.

8. Низолашувчи томонлар мазкур модданинг 2(b)-бандига мувофиқ қўлланилиши мумкин бўлган арбитраж қоидалари доирасида ҳар қандай

6) «Ad hoc» Кўшма қўмита 16-моддани ҳимоя сифатида далил қилиб келтираётган жавобгар Аҳдлашувчи Томон сўровига кўра ташкил этилади ҳамда икки Аҳдлашувчи Томон тарафидан тайинланадиган ҳукумат вакилларидан иборат бўлади.

арбитражнинг юридик жойини келишиб олишлари мумкин. Агар низолашувчи томонлар келиша олмаса, трибунал юридик жойни қўлланиладиган арбитраж қоидаларига мувофиқ белгилайди, бунда мазкур жой Нью-Йорк конвенцияси иштирокчиси ҳисобланган давлат ҳудуди бўлиши шарт.

9. Аҳдлашувчи Томон даъво қилинган зарарнинг тўлик ёки бир қисми зарарни қоплаш ёки бошқа компенсация сифатида кафиллик, кафолат ёки суғурта шартномасига мувофиқ олинганлигини ёки олинишини ҳимоя, қарши даъво, талабларни ҳисобга олиш ҳукуқи сифатида ёки бошқа сабабларга кўра важ қилиб келтирмаслиги лозим.

10. Арбитраж трибунали ўз якуний қарорида ҳукукий ва фактга оид асосларни ва қарор қабул қилиш сабабларини баён қиласди ҳамда бир томоннинг талабига кўра қўйидаги шакллардаги ҳимоя чораларини кўрсатади:

- (a) Аҳдлашувчи Томон мазкур Битим доирасидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлиги тўғрисида баёнот;
- (b) йўқотиш ёки зарар қўрилган пайтдан бошлаб тўловлар амалга оширилгунга ёки келгусида амалга оширилишига қадар фоизларни ўз ичига олувчи пул компенсацияси;
- (c) тегишли ҳолларда натура тарздаги реституция, бунда агар жавобгар Аҳдлашувчи Томон вижданан натура тарздаги реституциянинг имкони мавжуд эмас деб ҳисобласа, унинг ўрнига пул кўринишидаги компенсация тўланиши мумкин; ва
- (d) низолашувчи томонларнинг розилиги билан ҳар қандай бошқа турдаги ҳимоя чоралари.

11. Арбитраж қарорлари низолашувчи томонлар учун якуний ва мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон арбитраж

қарорининг ўз худудида ижро этилишини таъминлайди.

12-модда

Бошқа қоидаларни қўллаш

1. Агар бирон-бир масала бир вақтнинг ўзида ҳам мазкур Битим билан, ҳам Аҳдлашувчи Томонлар иштирок этадиган бошқа халқаро шартномалар билан тартибга солинадиган бўлса, у холда мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги инвестицияларга эга бўлган инвесторига унинг иши учун энг қулай бўлган қоидалардан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди.

2. Агар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлатининг қонун ва қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлариға тақдим этилаётган режим мазкур Битим асосида тақдим этилаётган режимдан қулайроқ бўлса, унда мазкур қулайроқ режим тақдим этилиши лозим.

13-модда

Битимнинг қўлланилиши

1. Мазкур Битим бир Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида унинг қонун ва қоидаларига мувофиқ Битим кучга киргунга қадар ёки кучга киргандан сўнг бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари киритган инвестицияларга нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур Битим унинг кучга кирган санасидан олдин тугатилган, инвестицияларга доир вужудга келган ҳар қандай низоларга, содир

бўлган ҳаракатларга ёки фактларга ёхуд вазиятларга нисбатан қўлланилмайди.

14-модда

Афзаллик беришни рад этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг корхона шаклидаги инвесторига ва унинг инвестицияларига, башарти учинчи томоннинг шахслари бундай корхонага бевосита ёки билвосита эгалик қилса ёки уни назорат қилса ҳамда рад этаётган Аҳдлашувчи Томон тарафидан учинчи томонга ёки унинг шахсларига нисбатан корхона билан битимларни тақиқлайдиган чоралар қабул қилинса ёки қўлланса ёхуд мазкур Битим бўйича ушбу корхона ёки унинг инвестицияларига афзалликлар берилиши бундай чораларнинг бузилишига ёки уларни четлаб ўтишга олиб келса, мазкур Битимда белгиланган афзалликларни беришни рад этиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг корхона шаклидаги инвесторига ва унинг инвестицияларига, башарти корхона ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида асосий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган бўлса, мазкур Битимдаги афзалликларни беришни рад этиши мумкин.

15-модда

Битимни талқин қилиш

Агар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ёки бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасида мазкур Битимни

талқин қилишга доир низо пайдо бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар улардан бирининг сўровига кўра маслаҳатлашиб оладилар ва мазкур Битимнинг ҳар қандай қоидалари юзасидан талқин қилишни амалга оширадилар. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишилган мазкур Битим юзасидан талқинлар 10-моддага (Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш) ва 11-моддага (Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳал этиш) мувофиқ таъсис этилган трибуналлар учун мажбурий ҳисобланади.

16-модда

Молиявий хизматлар бўйича истиснолар

1. Бир Аҳдлашувчи Томон худудида инвестиция орқали молиявий хизматлар кўрсатишга нисбатан, мазкур Аҳдлашувчи Томонга оқилона сабабларга кўра, шу жумладан, инвесторлар, омонатчилар, сугурта қилдирувчиларнинг ёки молиявий муассаса олдида фидуциар мажбуриятга эга бўлган шахсларнинг ҳимояси учун ёки молиявий тизимнинг бутунлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган чораларни қабул қилиш ёки амалга ошириш тақиқланмайди. Агар бундай чоралар мазкур Битимнинг қоидаларига мувофиқ бўлмаса, бу ҳолда улар бундай қоидалар доирасида Аҳдлашувчи Томоннинг мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш воситаси сифатида қўлланилмаслиги лозим.

2. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида бир Аҳдлашувчи Томон худудида инвестиция орқали молиявий хизматлар кўрсатишга нисбатан, ҳар қандай давлат органи томонидан пул-кредит ёки валюта айирбошлиш курсига доир сиёsatни олиб бориш учун умумий қўлланиладиган камситмаслик хусусиятидаги чораларга татбиқ этилмайди.

3. 6-моддадан (Пул ўтказмалари) қатыи назар, бир Аҳдлашувчи Томон молиявий муассаса томонидан унинг филиалига ёки мазкур муассаса билан боғлиқ шахсга ёки етказиб берувчига ёхуд уларнинг фойдасига амалга ошириладиган пул ўтказмаларини молиявий муассасаларнинг хавфсизлиги, ишончлилиги ёки молиявий жавобгарлигини таъминлаш бўйича чораларни адолатли, камситмасдан ва вижданан қўллаш орқали тақиқлаши ёки чеклаши мумкин. Ушбу банд Аҳдлашувчи Томонга пул ўтказмаларини чеклашга йўл қўядиган мазкур Битимнинг ҳеч бир қоидасига дахл қилмайди.

4. Янада аниқлик киритиш учун, Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида Аҳдлашувчи Томонга Битимга зид бўлмаган қонун ва қоидаларга риоя этилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни, шу жумладан, фирибгарлик ва алдов амалиётининг олдини олиш ёки молиявий хизматлар қўрсатиш тўғрисидаги контрактлар бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини бартараф этишга тааллуқли чораларни қабул қилишга ёки қўллашга тўскинлик сифатида талқин қилинмаслиги лозим, бунда бир хил шароитда бўлган давлатлар ўртасидаги асоссиз ёки ноўрин камситиши воситаси ёки молиявий муассасаларда инвестицияларга нисбатан яширин чеклов сифатида қўлланилмаслиги шарт.

17-модда **Истиснолар**

1. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида қуидаги талқин қилинмаслиги лозим:

(а) бир Аҳдлашувчи Томондан маълум қилиниши унинг муҳим хавфсизлик манфаатларига зид келиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотлар тақдим этилишини талаб қилиш;

(b) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ўзининг мухим хавфсизлик манфаатлари ҳимояси учун зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай чораларни қуидаги ҳолларда амалга оширишига тўсқинлик қилиш;

(i) куроллар, ўқ-дорилар ва уруш воситаларининг ноқонуний муомаласи ҳамда ҳарбий кучларни ёки бошқа хавфсизлик тузилмаларини бевосита ёки билвосита таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган бошқа товарлар, материаллар, хизматлар ва технологияларнинг ноқонуний муомаласи ва операцияларига нисбатан амалга оширилаётган бўлса;

(ii) уруш ёки халқаро муносабатлардаги бошқа фавқулодда вазиятлар вақтида амалга оширилаётган бўлса,

(iii) ядроий куроллар ёки бошқа ядроий портловчи қурилмаларни тарқатмасликка доир миллий сиёsat ёхуд халқаро шартномаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса;

(c) бир Аҳдлашувчи Томонни халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми доирасидаги мажбуриятлари бўйича ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган сифатида; ёки

(d) бир Аҳдлашувчи Томонга қуидаги ҳар қандай камситувчи бўлмаган ҳуқуқий чораларни қабул қилиш ёки амалга оширишда тўсқинлик қилиш:

(i) инсон, ҳайвонлар ёки ўсимликлар ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган;

(ii) жонли ва жонсиз, қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган.

2. Бундай чораларни қабул қилиш, амалга ошириш ёки қўллаш бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторининг инвестицияларига яширин чекловни жорий этмаслик ёки асоссиз равишда қўлламаслик талабига

мувофик бўлиши лозим.

18-модда

Солиқса тортиш

1. Ушбу моддада назарда тутилганидан ташқари, мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида солиқса тортиш чораларига доир мажбуриятлар юкламайди.

2. 5-модда (Экспроприация ва компенсация) барча солиқ чораларига қўлланилади, факат солиқ чораси экспроприация билан боғланган деб таъкидловчи даъвогар 10-моддага (Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш) ёки 11-моддага (Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги инвестицияй низоларни ҳал этиш) мувофик даъво талабини арбитражга бериши мумкин бўлган ҳолат бундан мустасно, башарти:

(а) даъвогар аввал иккала Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли солиқ органларига ⁷⁾ ёзма равишда ушбу солиқ чораси экспроприация билан боғлиқлигини кўриб чиқиш учун мурожаат қилганда; ва

(б) мурожаат қилинган санадан бошлаб бир юз саксон (180) кун ичida иккала Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли солиқ органлари солиқ чоралари экспроприация билан боғлиқлиги масаласида қарор қабул қила олмаганда.

3. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳар қандай солиқ конвенцияси доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди. Мазкур Битим билан ҳар қандай

7) Мазкур модда мақсадларида Корея Республикаси учун “ваколатли солиқ органлари” - Стратегия ва молия вазирлиги ёки Давлат солиқ хизмати, Ўзбекистон Республикаси учун эса-Давлат солиқ қўмитаси.

бундай конвенция ўртасида номувофиқликлар келиб чиқкан тақдирда, номувофиқлик юзасидан конвенция устувор кучга эга бўлади. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида солиққа оид конвенция мавжуд бўлган тақдирда, бундай конвенцияга мувофиқ ваколатли органлар мазкур Битим ва конвенция ўртасидаги номувофиқликлар мавжудлигини аниқлаш бўйича тўлиқ мажбурият оладилар.

19-модда

Кучга кириши, амал қилиш муддати ва тугатилиши

1. Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат процедураларини якунлаганликлари тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиласилар. Мазкур Битим сўнгги хабарнома олинган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг кучга киради.

2. Мазкур Битим кучга кирган санадан бошлаб, 1992 йил 17 июнда Сеулда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида капитал маблағларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим тугатилади ҳамда мазкур Битим унинг ўрнида қўлланилади.

3. Мазкур Битим ўн (10) йил давомида амал қиласди. Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур Битим муддати тугашидан камида бир (1) йил олдин уни тугатиш тўғрисида хабарнома жўнатиши мумкин. Бундай хабарнома жўнатилмаган тақдирда, мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлардан бири уни тугатиш нияти тўғрисида бир (1) йил олдин бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилмагунига қадар номуайян муддатда амал қиласди.

4. Мазкур Битим тугатилишига қадар амалга оширилган инвестицияларга нисбатан, мазкур Битимнинг 1-18 моддалари қоидалари унинг тугатилиш санасидан бошлаб ўн (10) йил муддат давомида кучда қолади.

5. Мазкур Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро ёзма розилиги асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ҳуқуқий тартибга мувофиқ кучга киради.

6. Мазкур Битимдаги ҳар қандай ўзгартиришлар ёки унинг тугатилиши улар кучга кирган санага қадар мазкур Битим доирасида келиб чиқсан ёки вужудга келадиган ҳар қандай ҳуқуқлар ёки мажбуриятларга дахл қилмайди.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколатланган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2019 йил 19 апрелда икки нусхада, ҳар бири корейс, ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар teng аутентикдир.

Талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Корея Республикаси
Ҳукумати номидан

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан

I Илова

Экспроприация

Аҳдлашувчи Томонлар қуидагилар тўғрисида умумий англашувга эришганликларини тасдиқлайдилар:

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳаракати ёки бир қатор ҳаракатлари, башарти улар инвестицияга нисбатан моддий ёки номоддий мулк хуқуқига тўсқинлик қилмаса, экспроприация деб ҳисобланмайди.
2. 5-модда (Экспроприация ва компенсация) икки ҳолатни тартибга солади. Биринчиси - бевосита экспроприация, бунда инвестиция национализация қилинади ёки аксинча, мулк хуқуки ўтказилади ёки мол-мулк хатланади.
3. 5-моддада (Экспроприация ва компенсация) назарда тутилган иккинчи ҳолат бу билвосита экспроприация, бунда Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳаракати ёки бир қатор ҳаракатлари бевосита экспроприация каби teng таъсирга эга бўлгани ҳолда, мулк хуқуки ўтказилмайди ёки мол-мулк хатланмайди.
 - (a) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаракати ёки бир қатор ҳаракатлари билвосита экспроприация эканлигини аниқлаш учун ҳар бир алоҳида вазиятда, далилларга асосланган инвестицияга тааллуқли бўлган барча тегишли омиллар ҳисобга олинган ҳолда, сўров ўтказиш талаб қилинади, жумладан:
 - (i) Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаракати ёки бир қатор ҳаракатлари инвестициянинг иқтисодий қийматига салбий таъсир кўрсатса ҳам ҳукумат ҳаракатининг иқтисодий таъсири билвосита экспроприациянинг содир бўлганлигини англатмайди.
 - (ii) ҳукумат ҳаракатининг инвестициядан кутилаётган аниқ, асосли

натижаларга қай даражада тўсқинлик қилиши;⁸⁾ ва

(iii) ҳукумат ҳаракатининг табиати, хусусан унинг мақсадлари ва шартлари. Тегишли ҳаракатлар ҳукумат томонидан маълум бир инвесторга ёки инвестицияга жамият манфаати учун, кутилганидан ошиб кетадиган, маҳсус хайрия қилишни юклашни ўз ичига олиши мумкин.

(b) Баъзи ҳолатлардан ташқари, масалан, ҳаракат ёки бир қатор ҳаракатлар уларнинг мақсади ёки оқибатига нисбатан ўта қаттиқ ёки номутаносиб бўлган ҳолатлардан ташқари, жамият соғлиғини таъминлаш, хавфсизлик, атроф-муҳит ва кўчмас мулк нархларини барқарорлаштириш (масалан, кам таъминланган оилалар учун уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган чоралар орқали) каби қонуний ижтимоий фаровонлик мақсадларини ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳамда қўлланиладиган Аҳдлашувчи Томоннинг камситмайдиган тартибга соловчи чоралари билвосита экспроприация ҳисобланмайди.⁹⁾

4. Билвосита экспроприация тушунчаси мазкур Битимнинг бошқа қоидаларига мувофиқ бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонуний тартибга солиш ваколатларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган давлат чоралари юзасидан низолашишни назарда тутмайди.

8) Янада аниқлик киритиш учун, инвесторнинг инвестициядан кутаётган натижалари қай даражада асосли эканлиги тегишли секторда давлат бошқарувининг хусусияти ва қўламига қисман боғлиқ. Масалан, инвесторнинг қоидалар ўзгармаслигини кутиши давлат бошқаруви кучсиз бўлган секторга нисбатан кучли бошқарувдаги секторда камроқ асосли ҳисобланади.

9) Янада аниқлик киритиш учун, (b)-кичик банддаги “қонуний ижтимоий фаровонлик мақсадлари” рўйхати ёпиқ хусусиятга эга деб тушунилмайди.

П Илова

Солиққа тортиш ва экспроприация

Солиққа тортиш чоралари алоҳида фактли ҳолатда экспроприация ҳисобланишини аниқлаш учун инвестицияга тааллукли бўлган барча тегишли омилларни, шу жумладан I Иловада назарда тутилган омилларни ва қуидаги қоидаларни ҳисобга оладиган, ҳар бир алоҳида вазиятдан келиб чиқиб далилларга асосланган сўров ўтказиш талаб қилинади:

- (а) умуман олганда, солиққа тортиш экспроприация ҳисобланмайди. Инвестицияларга нисбатан биттадан кўп юрисдикцияга янги солиқ чорасини биринчи марта киритиш ёки солиқ чорасини қўллаш, умуман олганда, ўз-ўзидан экспроприация ҳисобланмайди;
- (б) халқаро тан олинган солиқ сиёсатига, тамойилларига ва амалиётига мувофиқ бўлган солиққа тортиш чораси экспроприация ҳисобланмайди. Хусусан, солиқ тўлашдан қочиш ёки бош тортишнинг олдини олишга қаратилган солиққа тортиш чоралари экспроприация ҳисобланмайди;
- (с) муайян фуқароликдаги инвесторларга ёки аниқ солиқ тўловчиларга қаратилган солиққа тортиш чорасидан фарқли ўлароқ, камситмайдиган асосда қўлланиладиган солиққа тортиш чорасини экспроприация деб ҳисоблаш эҳтимолдан йирок;
- (д) агар солиққа тортиш чораси инвестиция амалга оширилаётган вақтда амалда бўлган бўлса ҳамда у ҳақидаги маълумотлар оммага маълум бўлса, у ҳолда солиққа тортиш чораси, умуман олганда, экспроприация ҳисобланмайди.